

**«Капиталбанк» АТБ да
юридик шахслар ва якка
тартибдаги тадбиркорларга
Комплекс банк хизматлари
кўрсатиш бўйича Келишувга
1-Илова**

**Миллий валютада банк ҳисобварагини очиш,
хизмат кўрсатиш ва ёпиш
Тартиби**

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур тартибда қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

Пул маблағлари – Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги пул маблағлари - «сўм»;

«Faktura.uz» ахборот тизими – «Faktura.uz» электрон хужжат айланиши ахборот тизими орқали, шу жумладан битимларни амалга ошириш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, расмий ва норасмий ёзишмалар алмашинуви мақсадларида электрон хужжатларни шакллантириш, қабул қилиш, юбориш ва жўнатиш (етказиб бериш) жараёнлари жамланмасини амалга ошириш имкониятини берувчи дастурий аппарат воситаларидан иборат бўлган Ахборот воситачисининг ахборот тизими;

Тартиб – мазкур миллий валютада банк ҳисобвараги очиш, хизмат кўрсатиш ва ёпиш бўйича Тартиб. Мазкур Тартиб Банк Сайтида жойлаштирилган;

Ҳисобварак – Мижознинг Аризасига еки Буюртмасига мувофиқ Банк томонидан Мижозга очиладиган миллий валютадаги депозит ҳисобвараги бўлиб, унда Мижознинг биринчи талаби билан унга бериладиган ёки ундан ўтказиб бериладиган пул маблағлари ҳисоб-китоби юритилади;

Санкциялар – давлатлар ёки ҳалқаро ташкилотлар томонидан давлатлар, ташкилотлар ёки алоҳида жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган исқтисодий еки бошқа хусусиятга эга бўлган жамоавий ёки бир томонлама мажбурий чоралар;

Санкция рўйхати- БМТ нинг Хавфсизлик Кенгashi, Евropa Иттифоқи ва АҚШ Молия вазирлигининг ташкилий бўлинмаси - хорижий активларни назорат қилиш бўйича Бошқарма (OFAC, Office of Foreign Assets Control) ёки Банкка нисбатан Банкнинг иш фаолиятига бевосита ёки билвосита таҳдид сотиши мумкин бўлган санкциялар қўллаши мумкин бўлган бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг санкцияларига тушган давлатлар, ташкилотлар ёки алоҳида жисмоний ва юридик шахслар;

1.2. Мазкур Тартибда қўлланиладиган бошқа атама ва таърифлар Келишувда қўлланиладиган маънно билан бир хил маънога эга.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб, мижоз томонидан шахсан ёки ЭРИ орқали имзоланган Аризага асосан Томонлар учун мажбурий тус олади (кучга киради) ва Мижозга Ҳисобварак ва ёпиш, ушбу Ҳисобваракка келиб тушаётган Пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга олиш (кирим қилиш), Ҳисобваракдан Пул маблағларини ўтказиш бериш ва тўлаб бериш (ҳисобдан чиқариш), касса хизматларини кўрсатиш, шунингдек, Амалдаги қонунчилик, КБХ ва мазкур Тартибда назарда тутилган тартибда ҳисобварак бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш билан боғлик муносабатларни тартибга солади.

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлари, Ариза, Оммавий оферта ва Ҳисобварак очиш учун ариза (Ҳисобварак Давлат хизматлари маркази орқали очилган ёки «Faktura.uz»

ахборот тизими орқали юборилган бўлса) биргаликда Мижоз ва Банк ўртасида тузилган миллий валютадаги банк ҳисобварафи шартномаси (кейинги ўринларда — «Шартнома») ҳисобланади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Мижознинг топшириғига асосан Амалдаги қонунчилик доирасида ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳисоб-китоб-касса операцияларини амалга ошириш, шу жумладан:

а) Мижознинг Ҳисобварағига келиб тушган Пул маблағларини, Банк томонидан Пул маблағлари келиб тушганлиги тўғрисида тегишли тўлов ҳужжати олиннишига қараб шу куннинг ўзида ёки кейинги иш кунидан кечикмасдан Мижознинг Ҳисобварағига кирим қилиш;

б) Тегишли тўлов ҳужжати асосида Ҳисобварақдан пул маблағларини ўtkазиб бериш бўйича топшириқни бажариш;

в) Мижознинг қарз мажбуриятлари бўйича тўлов талабномалари ва инкасса топшириқномаларини Амалдаги қонунчилик доирасида ижро қилиш;

г) Мижоздан (Мижозга) Амалдаги қонунчилик ва “Капиталбанк” АТБнинг ички ҳужжатларига мувофиқ нақд Пул маблағлари қабул қилиш ва бериш;

д) бошқа ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш (Банк билан Мижоз ўртасида тузилган алоҳида шартномалар билан тартибга солинадиган операциялар бундан мустасно);

3.1.2. Мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини фақатгина унинг топшириғи ёки унинг розилиги билан, тўлов ҳужжати келиб тушган санада (акцептсиз тўлов талабномаси ва инкасса тўлов топшириқномаси бундан мустасно), ёки кейинги иш кунидан кечикмасдан ҳисобдан чиқариш. Мижознинг Ҳисобварағида Пул маблағлари мавжуд бўлмагандан ёки етарли бўлмаганида, Банк тўлов ҳужжатининг тўланмаган суммасини 2-сонли картотекага кирим қиласи, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳоллардан ташқари.

3.1.3. Мижозларга хизмат кўрсатиш графигида (иш жадвалида) белгиланган вақтда Мижозга хизматлар кўрсатиш (дам олиш ва байрам (иш куни бўлмаган) кунларидан ташқари);

3.1.4. Мижознинг топшириғи билан ҳисоб-китоб операцияларини қатъий равища Амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга ошириш. Мижознинг топшириғига асосан унинг ҳисобварағидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш, Банкка тўлов ҳужжатларининг келиб тушган кундан кейинги кундан кечикмасдан амалга оширилади. Мижознинг розилигисиз унинг Ҳисобварағидан пул маблағларини ҳисобдан чиқаришга Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

3.1.5. Мижознинг топшириғига асосан ҳисоб-китоб операцияларини қатъий равища Ўзбекистон Республикаси худудида ўрнатилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларига мувофиқ амалга ошириш. Ижро учун пул-ҳисоб ҳужжатларини фақатгина Мижознинг имзо намуналари ва муҳр изи варақасида (агар муҳр назарда тутилган бўлса) кўрсатилган шахслардан ва/ёки Мижоз томонидан ваколат берилган шахслардан қабул қилиш;

3.1.6. тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда барча зарурий реквизитларнинг, имзолар ва бошқа маълумотларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш, ҳамда тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-китоб ҳужжати олинган куни (агар ушбу ҳужжат амалиёт куни давомида келиб тушган бўлса) ёки кейинги иш кунидан кечикмасдан (агар ушбу ҳужжат амалиёт куни якунланган кейин келиб тушган бўлса) унинг ижросини таъминлаш;

3.1.7. Мижозни касса ҳужжатлари билан таъминлаш (нақд пул маблағларини кирим қилиш бўйича ариза ва бошқа зарур бланклар);

3.1.8. Мижознинг топшириғига асосан унга ёки ишончнома асосида ҳарақат қилаётган унинг вакилига ҳисобварақдан кўчирма ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш;

3.1.9. Мижознинг ҳисобварағида мавжуд бўлган Пул маблағларининг бутунлигини таъминлаш;

3.1.10. Мижознинг ҳисобварағида бўш пул маблағлари мавжуд бўлганда, ёки ҳисобварақда пул маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли брон мавжуд бўлганда, Мижознинг биринчи талаби билан биринчи навбатда иш хақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар тўлаб берилишини таъминлаш.

3.2. Мижознинг мажбуриятлари:

3.2.1. ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун Банкка барча зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

3.2.2. Банк иш жадвалини, ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибига, шунингдек Банкнинг Шартнома предметига алоқадор бўлган ички ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек ЎР МБ нинг амалдаги норматив ҳужжатлари талабларини бажариш;

3.2.3. Банк томонидан Мижознинг нақд пул маблағларига бўлган талабини аниқлаш учун, ҳар чорак бошланишидан 30 кун аввал Банкка ўрнатилган шаклдаги касса буюртманомаси тақдим этиш;

3.2.4. ҳисобварақда пул маблағлари мавжуд бўлганда, нақд пул чекини иш хақи, пенсия ва нафақалар бериш календар графигига мувофиқ нақд пул маблағлари олишдан бир кун аввал Банкка тақдим этиш ва олинган пул маблағларини қатъий равишда мақсадли сарфлаш;

3.2.5. тўловларни амалга ошириш мақсадларида, ўз Ҳисобварағида етарли пул маблағлари бўлишини таъминлаш;

3.2.6. кўрсатилган банк хизматлари учун Банк Тарифларида назарда тутилган тартибда тўловларни амалга ошириш;

3.2.7. депонентга ўтказилган иш хақи, нафақа, пенчия ва моддий ёрдам пулларини ўрнатилган муддатларда Банк кассасига топшириш;

3.2.8. ўз кассасига нақд маблағларнинг кирим қилиниши ва кассадан чиқим қилиниши тартибига, касса интизомига, шунингдек лимитдан юқори нақд маблағларларни инкасация хизмати орқали Банк кассасига етказиш тартибига риоя қилиш;

3.2.9. Мижоз ушбу билан қуидагиларни сўзсиз тасдиқлайди ва кафолатлайди:

а) контрактлар (шартномалар) бўйича барча контрагентлар (иштирокчилар), шу жумладан уларнинг иштирокчилари/акциядорлари/якуний бенефициарлари ва назорат қилувчи шахслари санкция рўйхатларида эмас ва ушбу рўйхатларга тушмайди, шу жумладан, қуидаги рўйхатларда эмас, лекин фақатгина шу рўйхатлар билан чекланмаган ҳолда:

- SDN List (АҚШ);
- АҚШнинг тақиқловчи (блокловчи) рўйхатлари;
- ЕИ нинг Санкция рўйхатлари;
- буюк Британиянинг Санкция рўйхатлари;
- бошқа қўлланиладиган санкция ва чекловчи рўйхатлар.

б) ташки савдо контрактлари (шартномалари) бўйича сотиб олинаётган товарлар:

- АҚШ, ЕИ ва Буюк Британиянинг тақиқловчи (блокловчи) санкция рўйхатларига киритилган бирор-бир ташкилотга сотилмайди, етказиб берилмайди, экспорт қилинмайди ва/ёки транспортировка қилинмайди, ёки АҚШ ва ЕИ нинг экспорт назорати билан тақиқланган мақсадларда ишлатилмайди;

- АҚШ экспорт назорат Қоидаларига хилоф равишида қайта сотилмайди ёки етказиб берилмайди, Россия ҳарбий-саноат комплекси ва Мудофаа саноати комплекси (МСК) га алоқадор ёки бошқача тарзда боғлиқ бўлган ташкилотларга қайта сотилмайди, етказиб берилмайди, экспорт қилинмайди ва/ёки транспортировка қилинмайди, ёки бошқача тарзда Россия ҳарбий-саноат базасининг мустаҳкамланишига кўмак бўлмайди;

в) махсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлар ва операциялар (шу жумладан, экспедитор (таъминотчи), юк ташувчи ва транспорт ижарачиси томонидан транзит, юк ташиш билан боғлиқ транспорт экспедицияси, юк ташиш ва чартер (транспорт ижараси, фрахт) хизматлари бўйича операциялар) санкция давлатлари ва руйхатларига бевосита ва билвосита алоқадор эмаслиги бўйича жавобгарликка (шу жумладан молиявий жавобгарликка) эга бўлади.

Мижоз (харидор бўлган ҳолда) АҚШ, ЕИ ва Буюк Британиянинг экспорт назорати қоидалари билан етказиб бериладиган товарлар, хизматлар, технологиялар ёки дастурий таъминотдан, ёки Россияга АҚШ, ЕИ ва Буюк Британиянинг экспорт назорати қоидаларига зид равишда етказилган АҚШда ишлаб чиқарилган ҳар қандай буюмлар, ёки АҚШ компоненти ёхуд АҚШ ёки ЕИ нинг интеллектуал хукуқлари мавжуд бўлган товарларлардан фойдаланиш ва уларни топшириш (етказиб бериш) бўйича ўрнатилган чекловларини тўлиқ тушуниб етади (хис этади). Агар Мижозга юқорида келтирилганлар бўйича бирор-бир ўзгариш маълум бўлиб қолса, у бундай ўзгариш тўғрисида ўз вақтида Банкни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

3.3. Томонлар махфийликка риоя этишлари ва маълумотларни бошқа томоннинг ёзма розилигисиз тарқатмасликлари шарт, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.4. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Келишувда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

3.5. Ўз ҳисобварағига бегона шахсларнинг пул маблағлари (хато) келиб тушганлиги тўғрисида, ўз ҳисобварағи бўйича кўчирма олган (ёки ҳисобварақ ҳолати тўғрисида маълумот олган) кундан бошлаб 2 (икки) иш куни мобайнида Банкка хабар бериш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

4.1. Банк қўйидаги хукуқларга эга:

4.1.1. Амалдаги қонунчилик, ЎР МБнинг норматив ҳужжатлари, “Капиталбанк” АТБ нинг ички ҳужжатлари ва Шартнома билан ўрнатилган ҳисоб-китоблар тартибининг бузилиши, шунингдек Мижоз томонидан ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва ўз вақтида тақдим этиш тартиби бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда операцияни амалга оширишни тўхтатиб туриш (қонунчиликка зид бўлган тўловни амалга оширишни рад этиш) бўйича чоралар кўриш, ва/ёки унинг ўтказилишини тўхтатиб туриш.

4.1.2. Мижознинг бўш Пул маблағларидан, ушбу маблағларнинг сақланишини ва Мижознинг ўз маблағларидан эркин фойдаланишини кафолатлаган ҳолда, ресурслар сифатида фойдаланиш.

4.1.3. банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатларнинг ҳакиқийлигига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, банк операциясини ўтказишни тўхтатиб туриш, бунда Мижознинг имзо хукуқига эга бўлган ваколатли шахсларини хабардор қилиш.

4.1.4. қўйидаги ҳолларда Мижозга пул маблағлари ёки бошқа мулк билан операцияларни амалга оширишни рад қилиш:

- ўз манзили (почта манзили) бўйича Мижознинг бошқарув органи ёки юридик шахс номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш хукуқига эга шахснинг мавжуд эмаслиги;

- атайнот тутуба бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

- террористик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этгани тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигинига мувофиқ маълумотлар олинган бўлса ёки иштироки бўйича гумон мавжуд бўлганида;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақдаги пул маблағлари хатлов (арест) қилинганда ёки ҳисобварағида операциялар тўхтатиб турилганида;

4.1.5. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, шахслар Рўйхатга киритилган ҳолларда, Мижознинг розилигисиз Ўзбекистон Республикасининг ва “Капиталбанк” АТБ ички ҳужжатларида ўрнатилган тартибда пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ўтказишни, конверсиялашни, тасарруф этишни ёхуд кўчиришни тақиқлаш ва/ёки улар билан операцияларни тўхтатиб туриш (Мижознинг банк хисобварагига келиб тушган пул мабғларини кирим қилиш бўйича операциялардан ташқари). Операциларни тўхтатиб туриш ва/ёки тақиқлаш даврида Пул маблағларини Мижознинг топшириклари асосида ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди. Бунда, КБХ шартномаси ва/ёки Шартномалар бекор килинган тақдирда, Мижоз хисобваракдаги пул маблағлари қолдигини ўзининг бошқа банкларда очилган ҳисобваракларига ўтказишга мажбур;

4.1.6. Мижознинг талаб қилиб олингунча асосий ҳисобварагида 2-сонли картотека мавжуд бўлганда, Мижознинг бошқа банкларда очилган иккиласмчи ва бошқа ҳисобваракларидаги пул маблағларини Мижознинг асосий Ҳисобварагига ўтказиш (Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бундай талаб қўлланилмайдиган ҳисобвараклар бундан мустасно);

4.1.7. иш куни якунланиб, баланс ҳисоботи тузилгандан кейин хато ёзувлар аниқланган ҳолларда, кейинги банк иш куни Мижознинг розилигисиз унинг ҳисобварагидан нотўри кирим қилинган пул маблағларини тескари тузатувчи бухгалтерия ўтказмасини (сторно проводка) амалга ошириш орқали ҳисобдан чиқариш;

4.1.8. қонунчиликда ўрнатилган тартибда, Мижознинг миллий валютадаги асосий ҳисобварагида етарли пул маблағлари бўлмаганида ва ёнинг валюта ҳисобварагида валюта маблағлари мавжуд бўлганида, бюджетга ва бошқа қарздорликларга ўз вақтида тўлов амалга оширилишини таъминлаш мақсадларида, Мижознинг розилигисиз унинг қарздорлигини тўлаш учун етарли миқдордаги валюта маблағларини сотув кунидаги сотув курси бўйича сотилишини амалга ошириш.

4.1.9. Келишувнинг 8.5 бандида назарда тутилган тартибда Ҳисобваракни мустақил ёпиш;

4.1.10. Банк тузилаетган ташқи савдо контрактлари (шартномалари) бўйича қўйидаги ҳукуқларга эга:

- Мижознинг фаолияти ва муайян битим ёки операцияни текшириш, шу жумладан, Банк томонидан иқтисодий санкциялар тўғрисидаги қонунчилик (БМТ Хавфсизлик Кенгаши, АҚШ Молия вазирлиги қошидаги Ташқи активлар назорати бошқармаси (OFAC) ёки АҚШ, ЕИ ёки Буюк Британия ҳукуматининг бошқа органлари томонидан тартибга солинадиган) талабларини бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш бўйича Мижозга (икки иш куни ичida бажариш муддати билан) сўровлар юбориш;

- операцияни амалга оширишни/ижросини рад этиш ва зудлик билан ЎР МБ га хабар бериш;

- киравчи тўловни қайтариш ёки чиқувчи тўловнинг ижросини тақиқлаш (блоклаш);

- маҳфиликни сақлаш бўйича барча талабларга риоя этган ҳолда, угшбу операцияни амалга ошириш/ижро қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган санкция хатарлари тўғрисида Мижозни хабардор қилиш;

- Операцияни амалга ошириш шартлари “Капиталбанк” АТБнинг санкция хатарларини бошқариш Сиёсати талаблари ва Банк риск-аппетиги мувофиқлигини текшириш даврида Операцияни амалга ошириш/ижросини тўхтатиб туриш, бунда текшириш муддати Банк томонидан мустақил белгиланади;

- Бевосита ёки 50% Қоидасига мувофиқ тақиқловчи (блокловчи) санкциялар рўйхатига киритилган шахслар иштирок этаётган тўловларни Банк томонга амалга оширмаслик ва тўловларни банк-жўннатувчига қайтариш бўйича ўз корреспондент банкларига сўров юбориш;

- блокловчи санкциялар рўйхатига киритилган томонга нисбатан тегишли чоралар кўриш, шу жумладан, лекин чекланмасдан: ташқи савдо контрактига (шартномасига) хизмат кўрсатишни

тўхтатиш, Мижознинг ҳисобварагигини блоклаш ва Мижоз билан иш муносабатларини тўхтатиш;

- бундай ҳолатларга қайта йўл қўйилмаслиги бўйича бошқа чоралар кўриш.

4.1.10.1. Банк қўшимча равишида қуйидаги хуқуqlарга эга:

- юқори хатарга эга бўлган операцияларнинг чукурлаштирилган текширувларини амалга ошириш;

- санкция хатарларини баҳолаш бўйича ташқи эксперталар хулосасини сўраш;

- рискли операциялар бўйича ҳужжат айланмасига нисбатан қўшимча талаблар ўрнатиш;

- хорижий контагентлар билан операциялар бўйича маҳсус назорат тизимини киритиш.

4.2. Мижоз қуйидаги хуқуqlарга эга:

4.2.1. Амалдаги қонунчилик доирасида, Келишув ва Шартнома шартларида Ҳисобваракдаги ўзининг Пул маблағларидан эркин равишида фойдаланиш;

4.2.2. Банкка ҳисоб-китоб-касса операцияларини амалга ошириш учун топшириклар бериш, уларнинг ўз муддатида бажарилишини талаб қилиш, инкассо бўйича ҳисоб-китоблар бўйича сўровлар бериш;

4.2.3. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳисобваракда пул маблағлари ва уларда брон бўлганда иш хақи тўловлари графигига асосан нақд пул маблағларини олиш;

4.2.4. Банкка келиб тушмаган пул маблағларини қидириш, уларнинг жойлашган жойини аниқлаш ва қайтариш бўйича илтимос билан мурожаат қилиш;

4.2.5. Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги, унга киритилган қўшимчалар ва ўзгаришлар бўйича маълумот олиш.

4.3. Банк Мижознинг Пул маблағларидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича ҳуқуqlарини чеклашга ҳақли эмас, қонунчилик, Шартнома ва мазкур Тартибда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4.4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Келишувда назарда тутилган бошқа хуқуqlарга эга бўлиши мумкин.

V. ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Банк хизматлари кўрсатганлик учун, Мижоз Банкка Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи (комиссия) тўлайди.

5.2. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия, нафақалар ва стипендиялар берилгандиги, шунингдек Мижознинг ҳисобварагига пул маблағлари кирим қилингандиги учун Банк ҳақ ундирилмайди.

5.3. Мижознинг пассив ҳисобваракларига хизмат кўрсатганлик учун қуйидаги ҳолларда ҳар ойлик тўлов ундирилмайди:

а) агар Мижознинг миллий валютадаги жорий (депозит) ёки транзит ҳисобвақлари бўйича ой давомида бирорта операция амалга оширилмаган бўлса;

б) агар Мижознинг жорий ҳисобвараги орқали фақат кредит операциялари ўтган бўлса;

в) ссуда ҳисобвараклари бўйича қарздорлик сўндирилганда;

г) 16300 - «Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар», 16400 - «Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизсиз даромадлар» ҳисобвараклари бўйича қарздорлик ҳисобланганда ва тўланганда;

д) пул маблағлари Мижознинг банк филиалидаги бир ҳисобварагидан бошқа ҳисобварагига (Мижознинг уникал коди мос келса) ўтказилганда;

е) Корпоратив банк картаси тўлдирилганда (Мижознинг уникал коди мос келса);

ё) пул маблағлари аниқланиш жараёнидаги ҳисобваракка ўтказилганда;

ж) мижознинг уникал коди билан очилган маҳсус блок-ҳисобвараклар тўлдирилганда;

з) Мижознинг ҳисобвараги қолдиги Банкнинг филиалидан филиалига ўтказилганда (жорий ойда ҳисобваракларда операциялар мавжуд бўлмагандан).

5.4. Банкнинг Ҳисобваракларида пул маблағларидан фойдаланганлик учун Банк Мижозга фоизлар тўламайди, Банк ва Мижоз ўртасида тузилган алоҳида шартномалар бундан мустасно.

5.5. Пассив ҳисобваракларга хизмат кўрсатганлик учун комиссион хақнинг мижознинг Ҳисобварагидан ундирилиши (ҳисобдан чиқарилиши) ҳар ойда, Мижознинг ҳисобвараги бўйича жорий ойнинг биринчи тўлов амалга оширилаётганида Мижознинг топшириғисиз, акцептсиз тартибда амалга оширилади. Бунда, биринчи навбатда пассив ҳисобваракларга хизмат кўрсатганлик учун воситачилик хақи (комиссия) ундирилади (бюджет олдидаги қарздорлик тўлови ҳамда амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно) ва бунга Мижоз ўзининг сўзсиз ва низосиз розилигини билдиради.

5.6 Мижознинг ҳисобварагида воситачилик хақини қоплаш учун етарли пул маблағлари бўлмаганида, қарздорликнинг тўланмаган қисми акцептсиз тўлов талабномаси қўйиш орқали 2-сонли картотекага жойлаштирилади ва ушбу талабнома ўрнатилган тартибда ижро қилинади. Кўрсатилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқсиз Мижоз томонидан акцептланган бўлиб ҳисобланади.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Келишув ва мазкур Тартибга мувофиқ жавобгарликка эга.

6.1.1. Банк қуидаги ҳолатлар учун жавобгарликка эга эмас:

- Корреспондент банклар томонидан операцияларни амалга оширишни рад этилганлиги натижасида Мижозда юзага келган заарлар;
- хорижий ва ўзбек банкларида ҳисобвараклардаги Мижознинг пул маблағларидан фойдаланишга тақиқ қўйилганида (блокланганда);
- операцияларни амалга оширишда, қўшимча текширувлар ўтказилиши боғлиқ бўлган кечикишлар;
- билвосита санкция хатарлари белгилари аниқланганда операцияларни амалга ошириш рад этилганда.

6.2. Шартнома Мижознинг аризасига кўра, ёки Мижоз томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганида Банкнинг талабига кўра суд қарори билан, ёки Амалдаги қонунчилик ва Келишувда келтирилган бошқа ҳолларда бекор қилингунга қадар амал қиласди.

6.2.1. Шартнома Мижоз томонидан унга банк хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган барча тўловларни амалга оширилганидан сўнг, ўрнатилган тартибда бекор қилиниши мумкин.

6.2.2. Томонларнинг бири ёки уларнинг манфаатдор шахслари БМТ нинг Хавфсизлик Кенгashi, Европа Иттифоқи ва АҚШ Молия вазирлигининг Хорижий активларни назорат қилиш бўйича Бошқармаси (OFAC, Office of Foreign Assets Control) ёки АҚШ, ЕИ, Буюк Британингнинг бошқа бошқарув органининг санкциялар рўйхатларига тушган тақдирда, Томонларнинг исталган бири Шартнома ва/ёки Келишувни зудлик билан бир тарафлама бекор қилиш ёки тўхтатиб туришга (иккинчи Томонни олдиндан ёзма огохлантирган ҳолда) ҳақли эканлиги тўғрисида Томонлар келишиб олишди ва тасдиқлайдилар.

Мазкур бандга мувофиқ Шартнома ва/ёки Келишувни бир тарафлама бекор қилиш ёки тўхтатиб туриш Томонларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳимоясига қаратилган бўлиб, Шартнома ва/ёки Келишувни бузиш ҳисобланмайди ва Томонлар учун мулкий санкциялар қўллаш учун ёки бошқа салбий оқибатлар учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

6.2.3. Томонлар қуидагиларни тан олади ва бунга ўз розилигини билдиради:

- Мазкур санкция қўшимча шартлари Шартнома ва/ёки Келишувнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади, уларнинг бузилиши Шартнома ва/ёки Келишувнинг бекор қилинишига асос бўла олади, ва Шартнома ва/ёки Келишувнинг бутун амал қилиш даврида амал қиласди;

- Санкция қўшимча шартларининг барча бандлари бир-биридан мустақил ҳисобланади, ва бир шартнинг ҳақиқий эмаслиги бошқа шартларининг ҳақиқийлигига таъсир ўтказмайди;

- санкция қўшимча шартлари ва Шартнома ва/ёки Келишувнинг бошқа шартлари ўртасида тафовут бўлганида, санкция қўшимча шартлари устивор кучга эга.

6.3. Шартнома бекор қилинган ёки тугатилганидан кейин, Банк Мижознинг аризасига кўра ҳисобварағини ёпади ва 7 (етти) иш кунидан кечикмасдан унга Пул маблағлари қолдигини беради, ёки унинг топшириғига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказиб беради. Агар Шартнома бекор қилинган ёки тугатилганидан кейин 7 (етти) иш куни давомида Мижоз Банкка пул маблағларини бериш ёки бошқа ҳисобвараққа ўтказиш тўғрисида ёзма кўрсатма бермаса, Банк пул маблағлари қолдигини 29842 ҳисобварағига ўтказади.

6.4. Шартнома ва/ёки Келишув бекор қилинганлиги ёки тугатилиши Ҳисобварақ ёпилиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. Мижознинг асосий/иккаламчи ҳисобварақлари унга тегишли бўлган бошқа ҳисобварақлари (транзит, схема, маҳсус, мақсадли ва ҳ.к.) ёпилганидан кейин ёпилади.

6.5. Агар Мижоз Ҳисобварақ орқали пул операцияларини амалга ошириш орқали 6 (олти) ой мобайнида, савдо ва савдо—воситачилик фаолиятида – 3 (уч) ой мобайнида молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган бўлса, Шартнома Банк томонидан бир тарафлама тўхтатиб турилади, шунга мос равища ўрнатилган муддатларда Устав фондини шакллантирмаганлиги сабабли тугатиш комиссияси томонидан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда муддатлар Амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.5.1. Мижоз қонунчиликда ўрнатилган муддатларда Устав фондини шакллантирмаганлиги сабабли тугатиш комиссияси томонидан тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда Шартноманинг бекор қилиниши Амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.6. Шартнома ва/ёки Келишув бекор қилинганида ёки тугатилганда, Банк Тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи Мижозга қайтарилилади.

6.7. Шахсга доир маълумотлар.

6.7.1. Шартномани тузар экан, Мижоз Банкка / Банкнинг ҳамкорларига (АҚБ «Капиталбанк» билан бир банк гуруҳига кирувчи шахслар / АҚБ «Капиталбанк»нинг аффилланган шахслари, Банк шартномавий (ҳамкорлик) муносабатларига эга бўлган компанияларга (банк-ҳамкорлар, аудиторлар, суғурта ташкилотлари, телекоммуникация тармоқлари оператор ва провайдерлари, транспорт компаниялари, темир йўл/авиакомпаниялар, консалтинг ва баҳолаш ташкилотлари, супермаркетлар, ресторонлар ва бошқа хусусий ва давлат ташкилотлари, идоралар, якка тартибдаги тадбиркорлар), Келишув, Шартнома ва бошқа шартномалар доирасида Мижоз томонидан Банкка тақдим этилган шахсий маълумотларини фақат қуидаги мақсадларда қайта ишлашга (қоғоз ёки электрон кўринишда, автоматлаштирилган воситалардан фойдаланган улардан фойдаланмаган ҳолда шахсга доир маълумотларни йиғиш, ёзиб олиш, тизимлаштириш, тўплаш, саклаш, аниқлаш (янгилаш, ўзгартириш, тўлдириш), чиқариб олиш, фойдаланиш, узатиш (тарқатиш, тақдим этиш, кириш имконини бериш, жумладан шахсий маълумотларни учинчи шахсларга қайта ишлаш учун топшириш ҳолатида), эгасизлантириш, блоклаш, ўчириш ва йўқ қилиш) розилик беради:

- тузиш бўйича ижобий ёки салбий қарор Банк томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган Келишув ва Келишув доирасидаги Шартномаларни, таъминот шартномалари ва бошқа

шартномаларни тузиш имкониятини кўриб чиқишида, шу жумладан Мижознинг шахсга доир маълумотларини қатъий равишида автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаган ҳолда;

- Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш, шунингдек, Мижознинг банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича аризалари (мурожаатлари ва бошқа хужжатлари)ни кўриб чиқиши чоғида унинг кредиттга лаёқатлилиги/тўлов қобилиятини баҳолаш, шу жумладан текшириш зарурати бўлгандан шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга узатиш;

- Келишув, Шартнома ва бошқа шартномаларни бажариш ва тўхтатиш/бекор килиш, шу жумладан банк операцияларини амалга ошириш ва барча турдаги банк хизматларини кўрсатиш, Мижоз ва Банк ўртасида тузилган таъминот шартномаларини ҳамда бошқа шартномаларни, шунингдек, Банк томонидан бошқа шахслар, жумладан Мижоз вакил, сұғурталовчи, сұғурталанувчи ёки фойда олувчи сифатида қатнашадиган сұғурта ташкилотлари билан тузилган шартномаларни бажариш, Банк томонидан кредиторнинг (карз берувчининг) шартномалар бўйича хукуқларини реализация қилиш бўйича битимлар тузиш, шу жумладан хукуқларни (талабларни) учинчи шахсларга ён бериш орқали, бунда бу турдаги шартнома/битимларда бўйича кўрсатилган шахсларга Мижознинг шахсга доир маълумотларини узатиш;

- шартномалар бўйича қарздорликни қайтариб олиш (сўндириш, ундириш) чораларини кўриш;

- Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Мижознинг шахсга доир маълумотлари ва банк сирини ўз ичига олган хужжатларни ҳимоя қилиш, сақлаш (шу жумладан электрон кўринишида) ва ташиш;

- Шартномаларни тузиш, бажариш ва Банкнинг бундай шартномалар бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини реализация қилиш билан боғлиқ ҳар қандай шаклдаги хulosса ва маслаҳатлар олиш, бунда бу турдаги хulosса ва маслаҳатлар олиш учун Банк томонидан жалб қилинган аудиторлар ва бошқа учинчи шахсларга Мижознинг шахсга доир маълумотларини тақдим этиш;

- Мижоз билан тузилган Шартномалар ва бошқа хужжатларда кўрсатиладиган бошқа мақсадларда.

6.7.2. Шунингдек, Мижоз Банк ва Банк ҳамкорларига ўзининг шахсга доир маълумотларининг маҳсус тоифалари ва биометрик шахсий маълумотларини қайта ишлаш хукуқини (розилигини) беради, агар ушбу розиликда кўрсатилган мақсадларда бундай маълумотларни қайта ишлаш зарурати қачондир вужудга келса.

Банкка тақдим этилган хужжатларда (ариза, мурожаат, буюртманома ва бошқа хужжатларда) учинчи шахслар (вакил, наф олувчи ва/ёки бошқа шахслар) ҳақида маълумотларни кўрсатган ҳолда, Мижоз Банк билан Келишув, Шартнома ва бошқа шартномаларни тузиш бўйича қарор қабул қилиш, шунингдек Банк ва Мижознинг бундай шартномалар бўйича хукуқ ва мажбуриятларини кейинчалик реализация қилиш мақсадларида Банкка ушбу шахсларнинг шахсга доир маълумотларини қайта ишлаш, шунингдек сақлаш топширигини беради. Шу билан бирга, Мижоз бу шахслардан уларнинг Банкка тақдим қилинган шахсга доир маълумотларини Мижоз (шу жумладан маълумотларни Банкка узатиш орқали), Банк ва Банкнинг Ҳамкорлари томонидан қайта ишланиши бўйича розилигини олганлигини тасдиқлайди.

6.8. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

6.8.1. Томонлар шу билан кафолатлайдиларки, Шартнома ва/ёки Келишув кучга кирган санада уларнинг на ўзи, на уларнинг вакиллари, ходимлари, улар назоратидаги ёки таъсиридаги бошқа шахслар Шартнома ва/ёки Келишувни тузиш ва бажариш билан боғлиқ равишида ҳеч қандай ноқонуний молиявий ёки бошқа турдаги манфаатлар таклиф этишмаган, талаб қилишмаган ва қабул қилишмаган ҳамда келгусида ҳам бундай ҳаракатларни амалга ошироқчи бўлишмаган.

6.8.2. Томонлар Шартнома ва/ёки Келишув бўйича, унинг амал қилиш даври мобайнида, қўйида келтирилган қоидаларга риоя қилишга, ўз вакиллари, ходимлари ва назоратидаги ёки таъсиридаги учинчи шахслар томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида оқилона чоралар кўриш мажбуриятини олади.

6.8.3. Томонлар Шартнома ва/ёки Келишув амал қилиш даври мобайнида, исталган шаклда, шу жумладан учинчи шахслар орқали қўйида келтирилган ҳаракатларни амалга оширмаслик амалга оширмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади:

а) Порахўрлик – юқорида кўрсатилган шахслар ёки бошқа шахслар фойдасига ёки ёки улар томонидан тижорат ёки бошқа хусусиятга эга ноқонуний устунлик олиш ёки сақлаб қолиш мақсадида мулкий ёки бошқа хусусиятдаги исталган ноқонуний манфаат таклиф қилиш, бериш, олиш ёки бунга ташаббус кўрсатиш;

б) Пора талаб қилиш ёки пора беришга ундаш – пора талаб қилиш, шу жумладан рад этиш ҳолатида таҳдид билан боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда;

в) Ваколатларни суиистеъмол қилиш – тижорат ёки бошқа ташкилотларда бошқарув ёки бошқа вазифаларини бажараётган шахс томонидан ўз ваколатларидан ўзи учун ёки бошқа шахслар учун манфаат ва устунлик олиш ёки бошқа шахсларга зарар етказиш мақсадларида ушбу ташкилотнинг қонуний манфаатларига зид равишда фойдаланиш;

г) Юқорида келтирилган коррупция амалларидан олинган даромадларни легаллаштириш, яшириш ёки сир сақлаш:

д) Шартнома (Келишув) Томонларининг коррупцияга қарши амалдаги қонунчилигини бузувчи бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. Тегишли Томон иккинчи томонни Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонунчилигида ўрнатилган кўшимча тақиқлар ҳакида дарҳол ёзма равишда хабардор қилишга мажбур.

6.8.4. Ҳар бир Тараф Коррупцияга қарши кўшимча шартларда кўрсатилган ҳар қандай ҳолат ҳакида, ёки бундай ҳолат рўй беришига оид асосли гумонлар тўғрисида бошқа Тарафни дарҳол ёзма равишда хабардор қилишга, ташкилотда иш этикаси қоидаларида риоя қилиш ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш маданиятини тарғиб қилишга мажбурдир.

6.8.5. Томонлар Шартнома ва/ёки Келишувни тўхтатиш ёки бекор қилиш учун Коррупция кўшимча шартларининг 6.8.3 қўшимча бандида кўрсатилган ҳолат қучга кирган тегишли суд қарори билан ўрнатилган бўлиши кераклиги тўғрисида келишиб олдилар.

6.9. Банк томонидан берилган электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда – «Банк ЭРИ») ва бир марталик маҳсус ўзгарувчан кодлардан (кейинги ўринларда – «БММЎК») масофавий хизмат кўрсатиш каналларида фойдаланиш қоидалари.

6.9.1. Томонлар Банк ЭРИ ва БММЎКдан қўйидаги мақсадларда фойдаланишни тан оладилар ва келишадилар:

- Банк ва Мижоз ўртасидаги шартномаларни электрон шаклда имзолаш;

- Келишув, Шартномалар ва Банкнинг ички ҳужжатларида мувофиқ, электрон ҳужжатлар (бундан кейин – “ЭХ”) орқали амалга оширилиши назарда тутилган банк маҳсулотларини Мижозга тақдим этиш;

- Банкка исталган ариза ва хабарларни юбориш, шунингдек Банк билан исталган ахборот алмашинуви;

- мажбуриятларни бажариш, хуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки тугатиш учун юридик аҳамиятли ҳаракатларни амалга ошириш;

- Томонлар ўртасида ахборот ва ҳужжат алмашинуви.

6.9.2. Томонлар Банк ЭРИ ва БММЎКдан қўйидагиларни имзолаш ва алмашинуви учун ишлатишиади:

- банк хизматлари ва/ёки маҳсулотларини тақдим этиш учун зарур бўлган шартномавий хужжатлар, аризалар, анкета ва бошқа хужжатлар;

- хужжатларнинг сканерланган нусхалари;

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фармойишни ўз ичига олган ЭХ.

Банк ЭРИ ёки БММЎК орқали имзоланиши мумкин бўлган хужжатлар қаторига яна қўйидагилар киради: ҳисобварақларни очиш бўйича аризалар, кредит шартномалари (аризалари), омонат шартномалари, пул маблағларини ўтказишга (тақиқлаш ва ш.к.) фармойиш (топширик)лар, банк карталарини чиқариш бўйича аризалар ва бошқа банк хизматлари билан боғлиқ хужжатлар.

6.9.3. Томонлар Банк ЭРИ ёки БММЎКнинг ЭХ тегишли Томон тарафидан юборилаётганлигининг ва Томоннинг ваколатли шахси томонидан имзоланганлигининг сўзсиз исботи эканлигини тан оладилар. Банк ЭРИ орқали имзоланган ёки БММЎК орқали тасдиқланган ЭХ ҳужжат шахсан имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган қоғоз шаклидаги ҳужжатга тенглаштирилади, у билан бир хил юридик кучга эга ва Томонлар учун қоғоз шаклида расмийлаштирилган ҳолат билан бир хил хуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради.

Электрон ҳужжатнинг ҳақиқийлиги юзасидан низо туғилган тақдирда, Банк мазкур ҳужжат муайян бир шахс томонидан имзолаганини тасдиқлаш учун техник экспертиза ўтказиш хуқуқига эга. ЭРИ орқали имзоланган ёки БММЎК БММЎК орқали тасдиқланган ЭХ суд муҳокамаларида мақбул далил сифатида қабул қилинади.

6.9.4. ЭХ ушбу Қоидаларнинг 6.9.1 ва 6.9.2-кичик бандларига мувофиқ имзоланган/тасдиқланган бўлса, ушбу ЭХ Банк ЭРИ орқали имзоланган ёки БММЎК билан тасдиқланган пайтдан бошлаб унга тааллуқли хуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради.

6.9.5. Банк ЭРИ қўйидаги шартларга бир вақтда риоя қилинганида ҳақиқий деб тан олинади:

- Мижознинг кириш Аутентификацияси муваффақиятли ўтганда;

- Банк ЭРИнинг Мижозга тегишилигини ва Банк ЭРИнинг ўзи ҳақиқийлигини Банк тасдиқлаганда.

6.9.6. БММЎК қўйидаги шартлар бир вақтда бажарилганда ҳақиқий ҳисобланади:

- Мижознинг кириш Аутентификацияси муваффақиятли ўтганда;

- БММЎК Банк томонидан муваффақиятли қабул қилинганда.

6.9.7. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 357-моддасига мувофиқ, ушбу Тартибнинг 6.9.1., 6.9.2., 6.9.3., 6.9.4., 6.9.5., 6.9.6. ва 6.9.7.-кичик бандлари Томонларнинг Келишув ва Шартномалар тузилган санадан бошлаб юзага келган муносабатларига нисбатн татбиқ этилишини келишиб олдилар.

6.10. Банк Мижозлари – Қарз олувчилари учун маҳсус шартлар.

6.10.1. Қолдиқ маблағларни сақлаш бўйича мажбуриятлар.

6.10.1.1. Банк олдида ҳар қандай кредит шартномалари бўйича қарз мажбуриятлари мавжуд бўлган Мижоз Банкда очилган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларида ҳар кунлик асосда пул маблағларининг минимал қолдиғини сақлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6.10.1.2. Минимал қолдиқ миқдори, Мижоз ва Банк ўртасида тузилган барча амалдаги кредит шартномалари бўйича жами асосий қарз қолдиғининг камида 20% (йигирма фоизи)ни ташкил этади.

6.10.1.3. Миллий валюта – «сўм»даги эквивалент ҳисоб-китобида, ушбу ҳисоб-китоб амалга оширилаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси қўлланилади.

6.10.1.4. Мазкур мажбуриятга риоя этилишини назорат қилиш Банк томонидан ҳар куни операцион кун якунида амалга оширилади.

6.10.2. Маблағлар қолидигини сақлаш мажбурияти бузилганлиги учун жавобгарлик.

6.10.2.1. Мазкур Тартибнинг 6.10.1.1.–6.10.1.4. кичик бандларида назарда тутилган мажбурият бузилган тақдирда, Банк Мижозга барча кредит шартномалари бўйича асосий қарз қолдигига нисбатан ҳар бир мажбурият бузилган календарь куни учун 0,0057% (ноль бутун ўн мингдан эллик етти фоиз) миқдорида пеня ҳисоблайди.

6.10.2.2. Пеня ҳар куни ҳисобланади ва ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-чи (бешинчи) санасидан кечикмай, мажбурият бузилган кунлар сони учун ундирилади.

6.10.2.3. Пеня миқдори банкнинг ҳисоб ва автоматлаштирилган банк тизимлари маълумотлари асосида Банк томонидан мустақил равишда аниқланади.

6.10.2.4. Пеня ундириш Мижознинг Банкдаги исталган (ҳар қандай) ҳисобваракларидан пул маблағларини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш (ешиб олиш) йўли билан амалга оширилади. Ва бунга Мижоз Банкка қўшимча топшириқ ёки розиликсиз асосда сўзсиз, чақириб олинмайдиган ва баҳслашилмайдиган ҳууқини тақдим этади.

6.10.3. Мазкур бўлимни қўллаш хусусиятлари.

6.10.3.1. Ушбу Тартибнинг 6.10.1.1.–6.10.1.4. кичик бандларида кўрсатилган мажбуриятлар:

- фақатгина Банк билан кредит ҳукукий муносабатларда бўлган Мижозларга нисбатан татбиқ этилади ва бундай Мижозларга банк хизматлари кўрсатишининг ажралмас шартларидан бири ҳисобланади;

- фақатгина Банк олдида амалдаги кредит мажбуриятларига эга бўлган, ва тузилган кредит шартномалари доирасида пул маблағларининг минимал қолдигини саклаш бўйича шу тарздаги мажбуриятни қабул қилган Мижозларга қўлланилади.

6.10.3.2. Жами кредит қарздорлиги миқдори ўзгарганда, минимал қолдик миқдори ушбу ўзгариш санасидан бошлаб Мижозга қўшимча хабар бермаган ҳолда автоматик равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

6.10.3.3. Банк ўз ихтиёрига кўра, пул маблағлари қолдигини саклаш мажбурияти бузилганлиги учун пеня қўлламаслиги мумкин, агар бундай мажбурият бузилиши техник сабабларга кўра ёки Мижозга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли рўй берган бўлса.

6.10.3.4. Ушбу маҳсус шартлар кредит шартномалари бўйича Томонларнинг бошқа ҳукуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди ва улар билан бир вақтда (параллел равишда) амал қиласи.

6.11. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмаганда, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.12. Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Келишув асосида тартибга солинади.